

Ҳадис дарслари (102-дарс). Биз ҳар нарсани қадар-ўлчов билан яратдик



13:09 / 09.09.2020 6124

يَسْتَحِرُّ رَدَقًا وَأَضَاقَ بِئَيْشٍ لَكَ: لَأَقْمَلُ سَوْهَ لَعَلَّيْ لَصِيْبٍ لِنَلَانَعِ، رَمُعِ نَبَانَعِ
كُلِّ أَمٍّ وَأَخِي شَلْأَهْ أَوْرُ. سِيْ كَلْأَوْ زُجْعَلْ

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳар бир нарсани, ҳатто ожиз(эсипаст)лик ва ақллилик ҳам қазои қадар билан», дедилар».

Икки Шайх ва Имом Молик ривоят қилишган.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гаплари тўғри эканлиги исботланди.

Аслида, Қамар сурасида бу гаплар бир эмас, икки оятда келган. Аллоҳ таоло мазкур икки оятда қуйидагиларни айтади:

«Юзтубан дўзахга судраладиган кунда жаҳаннам азобини татиб кўринг. Албатта, Биз ҳар нарсани ўлчов билан яратдик, (дейилур)» (48-49-оятлар).

Мушриклар юзтубан қилиб, дўзах томон судраладиган қиёмат кунида адашувда, ўт-оловнинг ичида бўладилар. Ўша кунда мазкур азобларга гирифтор бўлиб турганларида уларга: **«Жаҳаннам азобини татиб кўринг, (дейилур)»**.

Сўнгра қадар бор ҳақиқат эканлигини исбот қилинади.

«Албатта, Биз ҳар нарсани қадар-ўлчов билан яратдик».

Ушбу оятдаги қадар-ўлчов сўзининг икки хил шарҳи бўлиб, бири «қазои қадар» маъносини, иккинчиси «миқдор», «ўлчов» маъносини англатади. Икки маъно ҳам бир-бирини тўлдириб келади.

Қадар маъносида келса, барча нарсани содир бўлишидан аввал билиб туришни англатади.

Ўлчов маъносида келса, барча нарса ва ҳодисаларнинг ўз миқдори, ўлчови борлигини англатади.

Ушбу оят озгина сўзлардан иборат бўлишига қарамай, ўзида улкан маъноларни мужассамлаштирганлиги ҳам мўъжизадир.

Ушбу ҳадисни бу ерда келтиришдан мақсад, ким қадарга иймон келтирмаса, албатта, қиёмат куни юзтубан ҳолида дўзахга судралади, демоқдир. Судраб кетилаётганда эса: «Жаҳаннам азобини татиб кўринг! Албатта, Биз ҳар нарсани қадар билан яратдик», дейилади», деган маънони таъкидлашдир.

Ҳозирги кунимиздаги мушрикларнинг аҳволи ҳам ўтмишдаги мушрикларнинг ҳолидан қолишмайди. Улар ўзларига ўхшаган баъзи ожиз бандаларнинг тахминан айтган башоратларига, қилган ўлчов, ҳисоб-китобларига ишонишади. Уларга қойил қолиб, таҳсинлар ўқишади. Аммо ўша бандаларнинг ҳаммасини яратган Зотнинг қазои қадарига ишонгилари келмайди. Ушбу ҳадисда келган оятда зикр қилинган ҳолга улар ҳам

тушишлари турган гап.

Ушбу ҳадисдан мушрикларга ўхшаб, қадарни инкор қилмаслик, у ҳақда мужодала қилмаслик фойдасини оламиз. Шунингдек, қадарни инкор қилганлар қиёмат куни оғир аҳволга тушишларини билиб оламиз.

«Ҳадис ва ҳаёт китобидан»